ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00894

ИНТУИЦИЯ: АУРОБИНДО ГХОШ ВА ҒАРБ ФАЙЛАСУФЛАРИ НИГОҲИДА

Лочин Азаматович Валиев
Тошкент давлат транспорт университети ассистенти

Баҳром Шавкат ўғли Нурхонов
Тошкент давлат транспорт университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ауробиндо Гхош ва Ғарб файласуфлари нигоҳида интуиция масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: Гхош, интуиция, фалсафа, Гераклит, тасаввуф.

INTUITION: IN THE VIEW OF AUROBINDO GHOSH AND WESTERN PHILOSOPHERS

Lochin Azamatovich Valiev
Assistant of Tashkent State Transport University

Bahrom Shavkat ogli Nurhanov
Student of Tashkent State Transport University

ABSTRACT

This article addresses the issue of intuition in the eyes of Aurobindo Ghosh and Western philosophers.

Keywords: Ghosh, intuition, philosophy, Heraclitus, mysticism.

КИРИШ

Бизга маълумки, инсоннинг тафаккур тарзи, руҳий ҳолати, атроф муҳитга, жамиятга таъсири ва акс таъсири жараёнида муносабатларнинг ўзгариб бориши каби муаммолар файласуф олимларни қадимдан қизиқтириб келган. Айни пайтда, инсоннинг тафаккур тарзи унинг оламга, жамиятга, нарса ва ҳодисаларга муносабатини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Оддий тафаккур услубидан тортиб фалсафий тафаккур услубигача бўлган жараёнда интуиция, интуитив билиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00894

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Интуиция фалсафа ва фан тараққиётининг муҳим тушунчаларидан бўлиб, тафаккур, жумладан рационал ҳамда иррационал тафаккур, ижод, хусусан «бадиий ва илмий ижод», «ақл», «хотира», «тасаввур», «диққат», «фаҳм - фаросат», «онглилик», «онгсизлик», «онг ости соҳаси» ва «инстинкт» каби тушунчалар билан диалектик боғлиқликдадир. “Интуиция, интуитив билиш, интуитив тафаккур инсоннинг нафақат ҳиссий ва ақлий билиш қобилияти, балки руҳияти билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган мураккаб, серқирра ва яхлит билиш жараёни ҳисобланади”. Пифагор борлиқ ва билишнинг моҳиятини сон, рақамларни англаш деб ҳисоблаган. Бизнинг фикримизча, сонларнинг борлиққа, ривожланишга, билишга боғлиқлигида қонуниятли алоқадорлик мавжуд. Зеро, нарса ва ҳодисаларнинг туб моҳиятини англаб етиш нафақат улардаги сифат ва миқдор хусусиятларини, балки улар ўртасидаги диалектик алоқадорликни ҳам англаб етиш имкониятини вужудга келтиради. Интуициянинг ижтимоий хусусияти ҳақида Гераклит сўз юритган. У ҳукмдорнинг жамиятда рўй бераётган, рўй бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти, келиб чиқиши ҳақида билимга эга бўлиш зарурлигини таъкидлайди.

Ислом фалсафаси ва қонуншунослигининг таниқли вакилларидан бири Муҳаммад Қози ҳукмдорнинг жамиятда юз бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билиши ва халқ учун хавфли муаммоларни олдиндан фаҳмлай олиши зарурлигини таъкидлаб, устози Хўжа Аҳрор Валий хотирасига бағишлаб ёзган «Силсилат ул-Орифийн» асарида зукколикни ҳукмдорда бўлиши зарур бўлган ўнта фазилатнинг бири сифатида кўрсатган.

Интуиция тасаввуф фалсафасида иррационал тафаккур доирасида шаклланганлиги, у айни вақтнинг ўзида онгли ва руҳий жараёнда содир бўлиши ҳақида мулоҳаза юритилади.

Билиш жараёнининг ривожланиши тафаккур тарзининг ўзгаришига боғлиқлиги, инсон онгида янгича фикрлаш жараёнининг юзага келиши интуитив тафаккурда ўз ифодасини топиши кўрсатилган. Интуиция инсон онгида содир бўладиган бурилиш нуқтаси, тараққиёт занжиридаги зарурий ҳалқа вазифасини бажаради. Табиат ва жамиятда жамики нарса ва ҳодисалар бир-бирига сабаб ёки оқибат тарзида содир бўлиб, бу ҳол улар ўртасидаги диалектик муносабатда ўз ифодасини топади. Билиш жараёнида объект ҳақида олинган маълумотлар йиғиндиси интуитив тафаккурни шакллантириш имкониятини яратади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00894

Борлиқдаги жамики нарса ва ҳодисалар ўзининг муайян шакли, хусусияти, белги-аломатлари ва миқдорига эга бўлиб, шулар орқали уларнинг сифати аниқланади. Бу ҳолат миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонунида акс этган. Айни пайтда миқдор ва сифат нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида яхлит билим берувчи фалсафий категориялардандир. Билиш жараёнида интуиция йўқ жойдан пайдо бўлмайди, у юзага келиши учун ижодкор изланаётган соҳа бўйича чуқур билим, кўникма, етарли тажрибага эга бўлиши, объектив ва субъектив омиллар мавжуд бўлиши муҳим. “Интуиция – тўғридан тўғри, далиллар билан асосланмасдан туриб, ҳақиқатга етишиш қобилиятини ифодалайди. Баъзида инсон фикри, маълум мавжуд билиш усуллари доирасидан ташқарига чиқиб туриб, муаммога янгича ёндашиш усулини илгаб олади ва муаммога ечим топади”.

Мантиқийлик «онг ости» даражасида аҳамиятга эга бўлиб, интуитив билишнинг таркибий қисмидир. Илмий билишда мантиқийлик ва интуитивликни бир-бирини тўлдирувчи жараёнлардир.

Интуитив ақл. “Бу ақл нурланган ақлдан ўзининг шаффофлиги билан фарқланади. У симоб каби ҳаракатчан бўлиб, ҳар қандай паст – баландликда тўсиқ билмай, бемалол оқа олади. Олий ақлга ҳос бўлган мантиқий шаблонлар уни сиқа олмайди, чегаралай олмайди. Бу ақлнинг билими қандайдир юқоридан ёки теран чуқурликдан эмас, балки ҳамиша кўз ўнгидан келади. Бу билим бизнинг нурланишимизни, инсоннинг нурланишини кутиб туради”. Ҳақиқатга эришув учун биз фақат ўзимизни ундан ажратиб турувчи чегаралардан қутилишимиз керак ҳолос. Шундай қилиб биз Шарқ фалсафасининг жозибадорлиги сирини, унинг онг эволютсиясининг қандай босқичига тегишли эканини тасаввур қилиш имкониятига эга бўлдик. Ушбу сир инсон руҳиятининг самовий илҳом булоғи билан боғланишида экан. Шу маънода А.Гхош таснифига кўра фойдалансак, Шарқ поетик фалсафаси Ғарбнинг рационалистик фалсафасидан, маслан, Гегл панлогизмидан камида икки поғона баланд туради. Ваҳоланки, Гегл ўзининг эвропамарказчилик позициясидан туриб Ғарб маънавий маданиятини Шарқникидан устун ўринга қўйган эди. Бошқа ишида эса унинг ўзи ўз диалектикасини ишлаб чиқишда Румийнинг “Маънавий маснавий” сидан таъсирланишини ёзади. Ваҳоланки, Гхош фалсафаси Румийнинг гўё атир гулларидан иборат маснавийлари гулдастаси олдида қуриб қолган бир гиёхдайдир. Чиндан ҳам, Гхош таснифига кўра Шарқ фалсафий олий ақлнинг эмас, ҳатто нурланган ақлнинг ҳам эмас, балки интуитив поғонанинг маҳсули экани кўринади. Низомий Ганжавий, Ҳусрав Деҳлавий,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00894

Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин румий, Саноий, Ҳофиз, Саъдий ва бошқа буюк зотларнинг поетик – фалсафий ижоди эса айни шу поғонага тегишлидир. Уларнинг асарлари оддий поэзия эмас (нурланган ақл босқичидаги илхомнинг натижаси эмас), балки “Ан ал - Ҳақ”ликка эришган зотларнинг фалсафий поезиясидир. Зеро бу поезия жазба (экстаз) маҳсулидир. Ижоднинг айни шу шаклини Шеллинг эстетик интуитция деб аталган эди. Шу муносабат билан Ғарб эксперименталь рухшунослигининг хавфли томонларини кўрсатиб берган А.Гхошнинг фикрларини, айниқса унинг замонавий руҳшуносликда йул қўйилаётган хатолар оқибати ҳақида айтганларини ва бу борада ўрганиши керак бўлган жуда катта билим соҳаси бор. Ҳозирги кунда бу каби ҳодисалар чиндан ҳам содир бўлганини текширадиган илмий изланиш ва материаллар ҳам тобора кўпаймоқда. Табиат ва жамиятда мувозанатсизлик ҳолатининг кескин кўчайиб бораётгани, иқлимнинг ўзгариб бораётгани, қутблар ўрнининг силжиётгани каби фактлар эндиликда кўпчилик фан намояндалари томонидан қадимги мифологик башоратларнинг тан олинишига ва хатто тегишли илмий изланиш ва амалий тадбирлар амалга оширишга қадар олиб келмоқда. Юқоридаги ғоялар Шри Ауробиндо Гхошнинг “Бундан 10000 йиллар олдин бир қанча даҳо шахслар дунё сирини юлқиб олишга муваффақ бўлган эдилар ва лекин бу сирдан фақат айрим кишиларгина баҳраманд эдилар...” деган фикрини тасдиқлайди ва чиндан ҳам инсоният жамиятининг бундан анча олдинги даврлардаёқ ягона ва мукаммал руҳий маданият – традиция (Вахдат ҳақидаги таълимот) шаклланган ҳақида хулосага олиб келади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзининг материя ва хотира асарида юқори даражадаги интуиция шакли ни спонтан образли фикр юритиш қобилияти деб ҳам атайди. Кейинги асарларида эса, Бергсон спонтан образли фикр юритиш қобилиятини тафаккурдан ажратади ва космик даражадаги руҳий энергия шакли деб ҳисоблайди. Эмиржент эволюция асарининг материя ва руҳ ҳаёти бобида Бергсон интуициянинг оламий руҳнинг инсон онг остидаги тажаалийси деб ҳисоблайди . Юқорида айтганимиздек, бу ҳис-туйғуга руҳий мухаббат хосдир. Ушбу туйғу орқали инсон табиатдаги барча мавжудотларни ҳис қилиши ва улардаги ҳаётий куч-қувватига шерик бўлиши мумкин. Бергсоннинг таъки лашича, инсоннинг табиатдан бегоналашуви интуитив ҳис туйғусини сўнди риб бормокда. Фақатгина чегарадош вазиятларда, яъни инсоннинг ҳаёти катта хавф

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00894

остида қолгандагина унда интуитив ҳис-туйғу кучайиб боради ва оғир вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларини инсонга кўрсатади . Бергсон инсон тафаккурини зулматда ёниб турган шамга ўхшатса, интуицияни бутун борлиқни ёритиб турувчи ва унга ҳаётий куч берувчи қуёшга ўхшатади. Тафаккур қонун- қоидалари билан чегараланган инсон онги бу қуёш нурини илғаб олишга қодир эмас. Руҳнинг ҳаёти ҳақида ёзар экан, Бергсон тафаккурни ҳам руҳ ий энергия оқимининг бир шакли деб ҳисоблайди, лекин айнан ушбу шакл қолипга тушиб қолган бир механизмга ўхшайди. Унда ижодкорлик қобилияти сўнган. “Инсонда ижодий қобилиятларни кучайтириш учун Бергсон тафаккур ва интуицияни бирлаштириш керак деб ҳисоблайди. Бергсоннинг айнан шу фикрлари юқорида келтирилган Ж.Румий ва Ш.А.Гхош фикрларига ўхшайди. Спонтан образли кўриш ҳақида ёзар экан, Бергсон уни онг остидаги тимсолларга асосланган деб ҳисоблайди”. Бергсоннинг онг остидаги спонтан тимсоллари ҳам К.Юнгнинг онг остидаги тимсолларига ўхшаб кетади. Ҳинд йога таълимотида ҳам А.Гхош интуитив кўриш ҳақида гапирар экан, унга онг остидаги спонтан тимсоллар хос деб ёзади. Бу кобилиятни у ички кўриш деб атайди. Ҳинд ва суфийларда ички кўриш заминида рангларни кўриш қобилияти ётади деган фикр мавжуд. Нажмиддин Кубронинг ижодидаги ранглар фалсафаси ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўз ижодининг марказига инсон қалбини қўйган Ж.Румий уни йўловчига ўхшатади. Унинг фикрича, бу йўловчининг олдида бегона уйларнинг эшиклари дарров очилмайди. Узоқ машаққатли ва азобли йўлни босиб ўтгандан кейингина бу уйнинг эшиклари йўловчи учун очилади. Инсон қалбидаги руҳий мухаббат орқали ҳаётнинг ҳақиқий маъноси очилади. Шри Ауробиндо фикрлари Румий фикрларига ўхшаб кетади. Масалан, Ауробинодо фикрича, руҳий азоб уқубатлар инсон қалбини покловчи кучли воситалардан бири ҳисобланади. "Синтез йога" асарида Ауробиндо шундай деб ёзади : "Айрим кимсалар ҳаётнинг азоб-уқубатларидан чўчиб, бефарқ бўлиб қолишади, лекин Аллоҳни севган бандаси учун азоб - уқубат, дард аламларни чекиб, сабр-тоқатли бўлиш Аллоҳ висолига етишишнинг ягона йўлидир. Инсон ҳаётидаги ғам -андух ва азоб - уқубатлар пардаланган тўсиқлар бўлиб, уларни енгиб ўтган инсонгина охир оқибат Аллоҳ висолига етишар экан, бу билан у барча ғам андухлардан фориғ бўлади. Улар эндиликда инсоннинг ички дунёсидаги роҳат ҳис туйғуларига айланади."

Рухий мухаббатга қандай эришиш мумкин? Ўзининг йогик сатханасида Ауробиндо инсоннинг руҳий камолотга эришиш йўллари ва усулларини

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00894

кўрсатиб ўтади. Энг асосий усуллардан бири бу инсоннинг барча эхтиёжларидан воз кечиш, ҳиссиёт ва фикрларини назорат этишдан иборатдир. Бундай воз кечиш аслида инсоннинг барча нарсаларга ўзидаги ҳис туй ҳуларига бефарқликни англатмайди. Бундай воз кечиш заминида инсоннинг ички дунёсидаги барча ҳис туйғулар, эҳтиослар, фикрларни ўз назоратига олиш ва бошқариш ётган. Инсон ўзининг эҳтиёжларига боғланмаслиги натижасида унинг ички дунёсида аста-секин ҳотиржамлик ва сокинлик пайдо бўлади. Бундай ички хотиржамлик эса охир оқибат инсонда зикр ҳолатини пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида коинотдаги руҳий қувватга эришишга имконият яратади. Йогадаги барча медитациялар айнан шундай фикрларнинг сокинлигига ички сукунатга эришишга қаратилган. Бу қарашларни тасаввуф таълимотида ҳам учратиш мумкин. “Инсоннинг онги қулнинг сокин сатҳига ўхшаб колган пайтидагина инсон онги бошка одамларнинг ҳис туйғу ва фикрларини қабул қила олади. Бундай фикрлар сукунати туфайли инсон очиқ ўз-ўзини ташкил этувчи системага айланади”.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган йўл ва воситалар Румий ва Ауробиндо таълимотларида бир - бирига ўхшайди. Бундай ўхшашликнинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Румийнинг тасаввуфий таълимоти ҳам Ауробиндо Гхошнинг йогаси ҳам қачонлардир ер юзида мавжуд бўлган ва кейинчалик йўқолиб кетган қадимий маданият ўчоқларида барпо бўлган эди. Асрлар давомида бу руҳий таълимот Ҳиндистон ва Ўрта Осиёга тарқалиб борди. Бу ердаги яшовчи халқларнинг урф-одатлари диний қарашлари, иқлим шарт-шароитларидаги фарқлар ушбу руҳий таълимотни Ўрта Осиёда ва Ҳиндтистонда ўзига хос шаклда тарқалишига олиб келди . Агар Ҳиндистонда инсоннинг комилликка эришиш ҳақидаги таълимот асосан хилма-хил фалсафий тизим ва йўналишларда акс эттирилган бўлса, Ўрта Осиёда эса, бундай таълимот хилма-хил суфия мазхабларининг амалий ҳаёти ва тажрибасида намоён бўлди .

Ғарбий Европа давлатларида ҳам иррпационал фалсафий тизимлар юзага келди. Уларда инсоннинг ички дунёсини инстинкт, интуиция ҳис-туйғ уларини ноанъанавий усуллар орқали ўрганиш масаласи қўйилди. Буни биз машҳур немис файласуфи Ф.Ницше ва А.Бергсон таълимотларида кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб ушбу мақоламизда ғарб иррационализми, ҳинд файласуфи Гхош ҳамда Румий ижодида руҳий муҳаббат масалаларининг айрим жиҳатлари таҳлил қилинди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00894

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Пифагор қарашларида математик тафаккур инсонни фикрлашга ундайди, деган мулоҳаза келиб чиқади. Сон ва рақамлар (кичик нуқтадан тортиб, чексиз коинотгача) инсонни оламни ўрганишга ундар экан, оламда мавжуд тартиб ва тартибсизликнинг диалектик муносабатни яхлит тизимга солган ҳолда янги билимларни шакллантиришга имкон яратади. Яхлит тафаккур, тасаввур инсонда интуитив тафаккурни шакллантиришга имкон яратади. Гераклит қарашларида бошқарувчи ҳукмдорнинг жамиятда рўй бераётган ёки рўй бериши мумкин бўлган турли жараёнларни ва бу жараёнларнинг бир-бирига таъсири натижасида юзага келадиган муаммоларни билиши ва умуман жамият ҳақида яхлит билимга эга бўлиши назарда тутилган. Бунда интуицияда башоратчилик хусусияти ўз ифодасини топади. Эмпедоклнинг тана ва руҳ масалаларига оид қарашларида «уйғунлик» тушунчаси акс этган. Инсон айни вақтнинг ўзида моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқарувчи кучдир. Мазкур уйғунлик унинг оламга фаол муносабатида – билиш жараёнидаги интуицияда ўз ифодасини топади. Платон назарда тутган инсон руҳияти билан боғлиқ ҳолатлар онгсизлик, онгнинг хиралашган ҳолати ва туш муаммонинг ечимига имкон яратади. Мантиқийлик муаммога ечим топиши алоҳида аҳамиятга эга. Бироқ айни пайтда интуиция онгсиз ҳолатни ҳам ўз ичига қамраб олади. Рационаллик ва иррационаллик назария ва амалиёт ўртасидаги бирлик, субъект ва объектнинг ўзаро алоқаси, қарама-қаршиликлар бирлиги, онг ва руҳиятнинг бирлиги – буларнинг ҳаммаси интуицияда ўзининг ёрқин ифодасини топади.

REFERENCES

1. Ш.Қаҳҳорова Глобаллашув шароитида инсон ҳаёти маъноси. Т.2009.
2. Шри Ауробиндо Гхош. Человеческий цикл. Казань. Новый век. 1992.С.206.
3. Бородов, В.В. Истоки философской мысли Индии: Йога: методология практических занятий. – М.:Изд-во Моск. ун-та, 1990
4. Шри Ауробиндо. Письма о йоге. Часть11. Москва. “ Амрита-Русь”.2004.С.186.
5. Челышев Е.П. Индийская литература вчера и сегодня. М., 1989.